

Суюн Каримов

**ЎЗБЕК ТИЛИ ФУНКЦИОНАЛ
СТИЛИСТИКАСИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СҮЮН КАРИМОВ

ЎЗБЕК ТИЛИ ФУНКЦИОНАЛ СТИЛИСТИКАСИ

Самарқанд – 2010

УДК: 494.3

К - 25

Суюн КАРИМОВ. Ўзбек тили функционал стилистикаси.
Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. -192 б.

ББК: 81.2Уз

Ушбу монография ўзбек тилшунослигининг кизиқарли соҳаси – стилистика, хусусан, функционал стилистика муаммоларига бағишланган. Унда ўзбек тилшунослигида функционал стилистика соҳасида олиб борилган тадқиқотларга муносабат билдирилган, хулосалар умумлаштирилган, унинг тараққиётига ўзбек тилининг мустақиллик даврида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар нуктаи назаридан баҳо берилган.

Монография ўзбек тили стилистикаси масалалари билан шуғулланувчи тадқиқотчиларга, олий ва ўрта махсус таълим тизимида нутқ маданияти соҳасида дарс берадиган ўқитувчилар ҳамда журналистларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир филология фанлари доктори,
профессор **Низомиддин Маҳмудов**

Такризчилар: филология фанлари доктори,
профессор **Ёрмат Тожиёв**

филология фанлари доктори,
профессор **Абдували Абдусанов**

Монография муаллиф маблағи ҳисобидан нашр этилди.

© Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат
университети, 2010 йил.

СЎЗ БОШИ

Академик В.В.Виноградов ўз даврида миллий тил стилистикасини ўрганишни тилни тадқиқ этишнинг ўзига хос ўққиси, миллий нутқ маданияти таракқиётининг назарий асосидир, еган эди.¹

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида шикил топиши, унинг дунё ҳамжамиятида ўзига хос ва ўзига мос рин эгаллаши жуда кўплаб масалалар каторида тил маданиятини ҳам жори даражага кўтариш масаласини кун тартибига кўйди. Ҳар андай тил маданиятини эса унинг стилистикасини ўрганмасдан уриб эгаллаб бўлмайди. Мана шунинг учун ҳам тил стилистикаси ва утқ маданиятини ўрганиш ўзбек тилшунослиги фанининг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Проф.С.Каримовнинг кўлингиздаги кузатишлари ана шу масаланинг муҳим бир қиррасини – тил стилистикаси тизимида араладиган ўзбек тили функционал услублари таҳлиliga игишланган. Тўғри, бу борада тилшунослигимизда илгари ҳам гуайян ишлар амалга оширилган эди. Б.Ўринбоев, М.Мукаррамов, Ҷ.Бобохонова, Т.Қурбоновлар, жумладан, китоб муаллифининг ўзи ам мавзуга доир махсус тадқиқотлар олиб боришган. Бу тадқиқотлар атижалари диссертация ишлари сифатида ҳимоя қилинган, китоб олида нашр этилган ва ҳоказо. Аммо уларнинг амалга оширилганига радан кўп йиллар вақт ўтди. Уларнинг бир қисми маънавий сикатдан эскирди. Биз бугун фанга, таълим жараёнига баркамол влод тарбиясига чинакам маънода хизмат қиладиган, тилимиз араққиётини ва ривожини мустақиллик призмасида талқин этишга арадилган тадқиқотлар кутаяпмиз.

Шу маънода С.Каримовнинг кўп йиллик кузатишлари ва ўплаган тажрибаси ўларок юзага келган ушбу монография маълум маънода ўзбек тили стилистикасининг бугунги даражасига баҳо беради, ўзбек нутқи маданияти ривожига камтарона ҳисса бўлиб ўшилади ҳамда келажакда бу йўналишда яратиладиган ишларга уртқи бўлиб хизмат қилади.

Низомиддин Маҳмудов,
филология фанлари доктори,
профессор

КИРИШ

Жамият, унда фаолият кўрсатаётган халқ тинимсиз ривожланиш ва тараққиётда бўлгани каби уларнинг тили ҳам узлуксиз бойиб бориши табиий бир ҳолдир. Жуда кўп асрлардан буён ўз халқи ва миллатининг алоқа воситаси бўлиб келаётган ўзбек тилининг имкониятлари унинг барча кўринишларида яна ҳам кенгайди, замонлар силсиласида, бадиий ижод жараёнида сайқал топди. У энди ўзбек халқи учун ўзаро алоқа қилиш, мулоқотда бўлиш ва бир-бирларига хабар узатиш воситасигина эмас, балки юксак бадиий-эстетик туйғуларни ҳам ифодалайдиган ва худди шундай таъсир кўрсата ва завқ бера оладиган нодир бойликка айланди.

Ана шу нодир бойликни, бошқача қилиб айтганда, она тилимизнинг серқирра имкониятларини бутун позикликлари билан таҳлил қилиш ва уни яна ўзининг ижодқори бўлган халққа қайтариш ўзбек тили стилистикаси фанининг бош вазифаси бўлиб қолди.

Ушбу муҳим вазифани ҳал этишга киришишдан аввал мазкур фанинг мундарижасини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. «Миллий тил стилистикасининг мундарижаси бирмунча кенг бўлиб, у тилининг барча стилистик системасини текширади, – деган эди соҳа тадқиқотчиларидан бири И.Расулов. – Бу стилистик система стиллардан ташқари, тилининг ёзма ва оғзаки формаларини, адабий ва сўзлашув нутқи кўринишларини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, стилистика тил бирликларидан қайси бири у ёки бу стилда, ёзма ёки оғзаки нутқда кўпроқ ишлатилади, деган масала билан шугулланади. Бундан ташқари, стилистикага фикр ва мақсадни ифодалашда тил воситаларининг тўғри танлангани ёки танланмаганлигини аниқлаш ҳамда шу тил воситаларини мақсадга мувофиқ танлаш ва ишлатиш йўлларини белгилаш вазифалари юклатилади».²

Мазкур кузатишда қараб чиқиладиган ўзбек тили функционал стилистикаси (ФС) масалалари ҳам миллий тил стилистикасининг ана шу мундарижаси таркибида қаралади. Ўзбек тилининг ФСга оид мулоҳазаларни баён этишдан аввал *функционал стилистика ёки функционал услуб* тушунчаларининг

² Шамақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Уқитувчи, 1983, 6-7-б.

моҳияти ва уларнинг таснифи ҳақида мулоҳаза юритишимизга тўғри келади.

Функционал услуб тушунчаси. Стилистика алоҳида фан сифатида шакллангандан буён функционал услубшунослик ҳам замонавий стилистиканинг марказий йўналишларидан бири сифатида соҳа тадқиқотчиларининг эътиборида бўлиб келмоқда.

Кишилар ўз ижтимоий фаолиятларида тилдаги барча воситалардан – фонетик, грамматик, лексик, фразеологик бирликлардан фойдаланганларида, аввало, уларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, нутқ мавзусига, вазиятга қараб танлайдилар ва қўлайдилар. Тилимиздаги воситаларнинг бир нечалаб кўринишларга эга бўлиши, синонимик ранг-баранглик шундай йўл тутишга имкон беради. Мана шу танлаш нутқ жараёнида тил бирликларининг ўзига хос услубий чегараланишини тақозо қилади. Тил бирликларини ижтимоий муҳитда танлаб ишлатиш зарурати ва уларни тилшуносликда илмий-амалий таҳлил қилиш стилистикада янги соҳани – *функционал стилистикани* вужудга келтирди.

М.Н.Кожинанинг таърифича, «функционал стилистика – бу тилнинг турли мулоқот доираларида амал қилиш қонуниятларини, инсон фаолиятининг у ёки бу соҳаларига мувофиқ келиш даражасини, шунингдек, функционал услублар ва бошқа функционал услубий кўринишларда тил воситаларининг танланиш меъёри ва мувофиқлиги жамланадиган нутқий тизимни ўрганадиган тилшунослик илмидир».³

Англашиладики, тилда алоҳида услубларнинг вужудга келиши бевосита нутқий жараён билан боғлиқ ва ундан ташқарида функционал услублар (ФУ) тўғрисида гапириш мантиқсизликдан бошқа нарса эмас. Тилнинг экспрессив имкониятлари ва унинг қўлланишидаги чегараланиш ва хосланишлар ҳам фақатгина нутқий жараён туфайли намоён бўлади. Шунинг учун масалага тил услублари ва нутқ услублари тушунчалари нуқтаи назаридан ёндашиш, саволни ФУлар тил ҳодисасими ёки нутқ ҳодисасими, ФУларни уларнинг қайси бирининг таркибида қараш лозим, тарзида қўйиш тўғри бўлмайди. Ўзбек тилининг ижтимоий вазифаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган функционал услубшунослик тил ва нутқ

³ Кожина М.Н. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение, 1983, 25.

диалектиказининг бевосита махсули сифатида юзага келган бўлиб, ўзбек тили материалининг ўзбек мулоқот шаклининг турли кўринишларида намоён бўлиш хусусиятларини тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Инсонлар ҳаёти ва у машғул бўладиган соҳаларнинг турли-туманлиги уларнинг ёши, жинси, билим даражаси, касби, жамиятда тутган мавқеи ва бошқа омилларга боғлиқ равишда тилдан фойдаланишнинг ўзига хос манерасини, яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўзига хос услубини келтириб чиқаради. Тилдан фойдаланишдаги услублар ранг-баранглигининг боиси ҳам ана шунда. Шунинг учун ҳам тилдан фойдаланишда ҳар бир кишининг жинси, ёши ёки касбидан, у яшаётган ижтимоий муҳитдан келиб чиқадиган ўз услуби бўлиши мумкин. Ҳаёт жабҳаси, инсониятнинг фаолият доираси ва кўлами ғоятда кенг. Ҳар бир ижтимоий соҳада тилни эҳтиёждан келиб чиқиб истеъмол қилади. Бу ҳам табиий равишда тилдан фойдаланишнинг ўзига хос тарзини, услубини келтириб чиқаради. Демак, тилни истеъмол қилиш комплексда ҳар бир индивиднинг, касб эгаларининг, ижтимоий гуруҳларнинг, ҳатто мулоқот жараёнининг ўз услуби бўлиши табиий. *Функционал услуб* тушунчаси нуткий фаолиятнинг ана шу жиҳатларини ўзида мужассам қилади.

Адабий тилнинг барча сатҳларида, айтайлик, фонетик, лексик-фразеологик, грамматик сатҳларида меъёрларнинг мавжудлиги уларнинг амалда бўлишидаги ўз услубий меъёрларини келтириб чиқаради.

Ўзбек тили ФУларининг яшаш шарт-шароитлари кўлами ғоятда кенг. Бу услублар ўзбек халқи ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олар экан, факатгина адабий тил доирасига кирган элементлар уларнинг фаолиятини таъминлайдими, деган савол туғилади. Йўқ, албатта. ФУлар ўзбек умумхалқ тилининг манбаларидан озикланади. Ҳар бир ФУ ўзи хизмат қилаётган ижтимоий соҳа талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бу манбаларга мурожаат қилади.

Шунинг учун ҳам ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиётида ФУларни ўрганиш социолингвистик жиҳатдан ғоятда долзарб масалага айланди. Бунинг асосий сабабларидан бири мустақиллик шароитида ўзбек луғат таркибида бўлган жиддий ўзгаришлар, тилнинг турли муомала жараёнида алоқа

имкониятларининг кенгайганлиги ва тобора такомиллашиб бораётганлиги бўлиб ҳисобланади. Она тилимизнинг халқаро нуфузи ортиб бораётганлиги, нафақат мамлакатимиз доирасида, балки айрим ундан ташқарида ҳам бўлаётган анжуманларда халқаро мулоқот воситаси сифатида қўлланилаётгани бунинг яққол далилидир.

Функционал услублар таснифи. Юқорида қайд этганимиздек, агар ҳар бир индивид, касб эгаси ёки ижтимоий гуруҳларининг тилдан фойдаланишдаги ўзига хос жиҳатларини инобатга оладиган бўлсак, муайян бир тилдан фойдаланишда ҳам сон-саноксиз услубларни ўрганишга тўғи келар эди. Амалда эса бунинг имкони бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, уларни муайян гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганиш, таснифлаш зарурати пайдо бўлади.

Тилшуносликнинг стилистика соҳаси билан шуғулланган деяри барча таникли олимлар ФУларга ўз муносабатларини билдиришган, уларнинг таснифини бернишга ҳаракат қилишган (Виноградов В.В., Ефимов А.И., Кожина М.Н., Азимов П., Балақаев М., Баскаков Н.А., Горелов В.И., Курбатов Х., Хованская В.И. ва бошқалар). Бу таснифларнинг бирининг иккинчисига айнан ўхшайдиганлари кам. Тадқиқотчиларнинг бири ажратганларини иккинчиси биргаликда олиб қарайди, ёки аксинча, биргаликда олиб қаралган ҳолатлар ажратилади. Шундай қилиб, ФУлар сони ўнтагача кўрсатилади: бадний-беллетристик, ижтимоий-публицистик (матбуот), илмий баён, техник-ишлаб чиқариш, расмий-ҳужжат (идоравий), эпистоляр, нейтрал, нотиклик, маиший нутқ, диний каби.

Таснифлар борасида ўз мулоҳазаларини билдирган айрим муаллифлар (М.Балақаев, В.Бондалетов, Х.Р.Курбатов, А.И.Чижик-Полейко) ФУларни бундай тасниф қилгунга қадар, аввало иккига – ёзма (китобий) ва оғзаки (сўзлашув) услубларига бўлиб қараш лозим, деб ҳисоблайдилар.

Туркологияда, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам ФУларни тасниф қилишнинг ҳозиргача ягона принципи ишлаб чиқилган бўлмаса-да, ушбу масала билан олимларимиз шуғулланишган. Турмуш шароитига, ижтимоий-иқтисодий ва илмий тараққиёт даражасига кўра, тилнинг қанчалик ривожланганлиги ва ундан фойдаланиш маданиятига қараб турли

тилларда ФУлар миқдори турлича эканлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Масалан, А. Сулаймоновнинг «Тил стиллари ҳақида» номли мақоласи ўзбек тилшунослигида ана шу масалага оидлик киритиш йўлидаги дастлабки уринишлардан биридир. Муаллифнинг «Стилистиканинг вазифаси у ёки бу стилда ёки нутқ формасида, яъни оғзаки ва ёзма нутқда, қандай тил ҳодисалари кўпроқ қўлланишини аниқлашдан иборатдир», деган гапларидан тушуниш мумкинки, у тил ёки нутқ услубларини ёзма ва оғзаки – сўзлашув услубларига ажратган.⁴

Акад. Ғ. Абдураҳмонов ҳам мазкур масалага эътиборини қаратган. У «Стилистик нормалар ҳақида» мақоласида қуйидагиларни ёзган эди: «Маълумки, нутқ икки хил (ёзма ва оғзаки) нутқдан иборат.

Ёзма нутқ: 1) бадий нутқ, 2) илмий нутқ, 3) публицистик нутқ, 4) расмий нутқ, 5) нейтрал нутқдан иборатдир (Бу нутқ турлари айрим адабиётларда стилистик қатламлар сифатида талқин қилинади).

Оғзаки нутқ эса турли ижтимоий қатламларнинг нутқларидан, турли шева нутқларидан ташкил топади.

Нутқ стили бўлса қуйидаги қатламлардан иборат бўлади: 1) нейтраль стиль, 2) тантанали стиль, 3) интим стиль, 4) юмористик стиль ва сатирик стиль, 5) расмий стиль.

Нутқда (хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки бўлсин) бу стиль қатламлари аралашиб келади, нутқ жанрига кўра бирор стилистик қатлам етакчи, асос бўлади».⁵

И. Кўчқортоев «Ўзбек адабий тилининг стилистик ихтисослашуви, унинг функционал услублари илмда ҳам қатъий чегаралаб берилган эмас. Шунинг учун бу масала юзасидан ҳозирча аниқ, изчил бир фикр айтиш қийин, албатта. Лекин ўзбек адабий тили доирасида бадий, илмий, ижтимоий-сиёсий услубларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни бир-биридан фарқлайдиган белгилар маълум даражада аниқ сезилиб туради», дейиш билан бу масалага анча эҳтиёткорлик билан ёндашганлиги сезилиб туради.⁶

⁴ Сулаймонов А. Тил стиллари ҳақида // Совет мактаби, 1964, №6, 21-23-бетлар.

⁵ Абдураҳмонов Ғ. Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, № 6, 51-б.

⁶ Кўчқортоев И. Адабий тилининг стилистик табақаланиши ва нутқ маданияти // «Нутқ маданиятига оид масъулият» ўқишлари. – Тошкент, 1973, 110-б.

Б.Ўринбоев ҳам «Функционал услубият ва унинг моҳияти» масариди ушбу масалага тўхталган: «Ҳозирги ўзбек тилидаги услублар қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз:

I.Тил услублари.

I.Китобий услуб. 2. Сўзлашув услуби.

II. Нутқ услублари.

I.Асосий коммуникатив услуб. Бу услубга ўз навбатида: а) сўзлашув нутқи услуби; б) илмий нутқ услуби; в) газета – публицистик услуби; г) расмий – иш нутқи услуби киради».⁷

ФУлар таснифи масаласига оид фикрлар С. Муҳамедов томонидан ҳам айtilган. У «Ўзбек тили функционал стилларини белгилаш тўғрисида» номли мақоласида ўзбек тилидаги услублар сонини 3 та деб кўрсатган: расмий-иш функционал услуби, илмий функционал услуб, публицистик услуб.⁸

А.Шомақсудов қуйидагиларни қайд этган: «Функционал стиллар нутқ кўринишларининг асосий функцияларига (алоқаралашув; таъсир этиш воситаси бўлишига) мувофиқ қисмларга бўлинишидир. Шунга кўра адабий тилнинг қуйидаги функционал стиллари ажратилади: 1) сўзлашув стили; 2) расмий стиль; 3) илмий стиль; 4) публицистик стиль; 5) бадиий стиль».⁹

Кўринадики, ўзбек олимларининг масалага қаршида ҳар хилликлар, мунозарали жиҳатлар мавжуд. Биз бу қарашларга «Ўзбек тилининг бадиий услуби» номли монографиямизда ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирганмиз.¹⁰

Бу гал мунозараларни четлаб ўтиб, ФУлар таснифида нимага асосланиб иш кўришимиз лозим, деган саволни ўртага қўямиз. Масала шундай қўйилганда унга ёндашишнинг икки йўли эътиборни кўпроқ ўзига тортади: 1) тилнинг вазифасига асосланиш; 2) у қўлланадиган доирани, муҳитни эътиборга олиш. Бундай пайтда тил бажарадиган ижтимоий вазифадан келиб чиқиб иш кўриш мақсадга мувофиқлиги эътиборга олинса, В.В.Виноградовнинг қуйидаги таснифи нима учун шуҳрат қозонганлигининг сабабини тушуниш қийин бўлмайди: «Тилнинг алоқа, хабар ва таъсир каби муҳим ижтимоий вазифалари ажратилганда тил қурилиши умумий планида қуйидаги услублар

⁷ Ўринбоев Б. Функционал услубият ва унинг моҳияти. – Тошкент: Фан, 1992. 32-33-б.

⁸ Муҳамедов С. Ўзбек тили функционал стилларини белгилаш тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, № 4. 58-б.

⁹ Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси, 13-б.

¹⁰ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. 7-18-бетлар.

МУНДАРИЖА

1	Сўз боши	3
2	Кириш	4
3	Расмий услуб	12
4	Илмий услуб	30
5	Публицистик услуб	52
6	Бадиий услуб	96
7	Сўзлашув услуби	151

Тузувчилар: Шавкат Маҳмадиев
Светлана Умирова

Мухаррир М.Абдуллаева
Мусаҳҳих М.Рўзибоев
Тех.муҳаррир Ҳ.Каримов

2010-йил 7-майда оригинал-макетдан босишга рухсат этилди. Бичими 60x84/1, 16. «Times New Roman» гарнитураси. Offset коғози. Offset босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 12,0. Нашириёт ҳисоб табоғи 10,0. Адаби 50 нусха. 042-буюртма

*СамДУ босмаҳонасида чоп этилди.
140101, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15*